



Халқ Сўзи



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

8 МАРТ

№ 51-52 (1568-1569)

ШАНБА
1997 йил

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

СЕН БАРИБИР МУҚАДДАССАН, МУҚАДДАС АЁЛ

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарам онахонлар, опа-сингиллар!

Азиз қизларим!

Муборак истиқлолимиз олтинчи баҳори дамларида Сизларни зеболик ва эзгулик, меҳр ва муҳаббат байрами-- 8 Март муносабати билан чин юракдан табриклайман.

Гўзаллик, меҳрибонлик ва нафосат рамзи бўлмиш аёл зотини шарафламоқ инсониятнинг ўзлигини шарафламоқ, демакдир.

Сизлар билан, сизларнинг беқиёс латофатингизу донолигингиз, сабртоқат ва заковатингиз билан бу олам чароғон. Сизларга яхшилик қилмоқдан, сизларга иззат-икром кўрсатмоқдан келадиган савоб ниҳоятда буюкдир.

Бугун меҳнатсевар халқимиз ўз келажагининг мустақкам пойдевори қурмоқда. Ана шу масъула жабҳада сизларнинг фидокорона фаолиятингиз, юртимиз истиқболига қатъий ишончу садоқатингиз таҳсинга сазовордир. Биз жонажон диёримизнинг сиёсий ва иқтисодий ривожини, жамиятимизнинг миллий-маънавий камолоти йўлида жонбозлик кўрсатаётган шифокор, муаллима, тадбиркор, муҳандис, олима ва яна қанчадан-қанча касб соҳиблари бўлган аёлларимиз, мушфиқ ва мунис оналаримиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Инсонпарварлик, ватанпарварлик деган покиза тушунчалар жажжи фарзандларимизнинг муррак шуурига она сўзи билан қиради. Шунинг учун ҳам тилимизни онадек улуғ ва мўътабар тутиб, она тили, деймиз, шунинг учун ҳам киндик қонимиз тўкилган азиз Ўзбекистонимизни она-Ватан, деймиз.

«Аёл дунё бешигини тебратад» деган қадимий бир ҳикмат бор. Адолат ва маърифатдан дунёга дарс берган, миллат ва Ватан шухратини дунёга дoston қилган соҳибқирон Амир Темур, Абу Али ибн Сино, Беруний, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби улуғ аجدодларимиз ақлу заковатининг жаҳоний парвози ҳам оналар меҳрининг, оналар дуоларининг ижобатидир. Ватанга содиқ, ўз сўзида собит, юрт шухратига шухрат қўшадиган, маъна юксак, подир салоҳият эгаси бўлган фарзандларни, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш барча аёлларимиз, оналаримизнинг олий ниятидир. Суюкли фарзандларингиз истиқболини, демакки, озод Ўзбекистонимизнинг камолини кўриш сизларга ҳамшиша насиб этаверсин.

Мамлакатимизнинг бугунги залворли одимларида саховатли хотин-қизларимизнинг ҳиссаси беқиёс. 1997 йилнинг чинакам инсон манфаатлари йили бўлиши учун биргаликда кўрсатаётган саъй-ҳаракатларимиз, ишиооллоҳ, ўз самарасини бергай.

Барчангизни гўзал байрамингиз билан яна бир бор қутлайман. Эл-юрт бахтига, оsoйишта оилангиз бахтига доимо саломат ва саодатли бўлишингизни Яратганнинг ўзидан тилаб қоламан.

Иқболингиз баланд, кўнглингиз ҳамшиша чароғон бўлсин, дастурхонингиз файзу бараккага тўлсин.

Ислом КАРИМОВ.



АЙЁММИНИНГИЗ МУБОРАК!

12-бет



**Кўнгли кўчасидан ...
чиқиш қийин**

14-бет



ФАРРОННИНГ САМОВИЙ ТУАЛТОРЛАРИ
Археологик маълумотларга кўра, отлар Ўрта Осиёда қарийб 3000 йилдан ортиқ вақтдан буён инсон хизматида.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Америка Қўшма Штатларининг етакчи яҳудий ташкилотлари президентлари конференцияси делегацияси аъзоларининг бир гуруҳи Олий Мажлис Раиси Эркин Халилов билан учрашди. Музокаралар чоғида икки мамлакат парламентлари ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Шу кун америкалик меҳмонлар Бош вазир ўринбосари Бахтиёр Ҳамидов, ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан ҳам музокаралар ўтказдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 7 март кун АҚШдаги етакчи яҳудий ташкилотлари президентлари конференцияси делегацияси аъзоларини қабул қилди. Мазкур конференция раиси Леон Леви раҳбарлигидаги делегация аъзолари сафида АҚШнинг кўзга кўринган сиёсатчилари -- Конгресс аъзолари, маданият ва жамоат арбоблари, тadbиркорлар ва журналистлар бор эди.

Президентимиз делегация аъзоларини мамлакатимизга ташрифи билан қутлар экан, ушбу ташриф

америкаликларнинг юртимизда кечаётган ислохотлар жараёни билан яқиндан танишишга бўлган катта қизиқишидан дарак беришни қайд этди. Мазкур ташриф Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатларда, ўзаро бир-бирини тушуниш, ҳамфикрлик муҳитининг кучайишига хизмат қилиши шубҳасиздир, деб таъкидлади Ислоҳ Каримов.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги алоқаларнинг мустах-

камланиб бораётганлигини, аини пайтда бу борадаги ҳамкорликни ривожлантириш учун ҳали катта имкониятлар мавжудлигини ҳам қайд этди. Ушбу имкониятларни ишга солишга Америкадаги яҳудий жамоалари аъзолари ҳам ўз ҳиссаларини қўшадилар, деб ишонч билдирди Президент.

Музокаралар чоғида Ўзбекистонга АҚШ ва Исроил сарможаларини кенг жалб этиш, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфатли ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама

этилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Б. Гуломов, В. Норов, Р. Баҳодиров, ташқи ишлар вазири А. Комилов ва мамлакатимизнинг АҚШдаги Фавқуллода ва Мухтор элчиси С. Сафоев иштирок этди.

Қабул чоғида Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқуллода ва Мухтор элчиси С. Т. Эскудеро ҳозир бўлди. (ЎЗА).

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

ТЎЛОВ МУАММОЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Вазирлар Маҳкамасида 6 март кун Ўзбекистон Бош вазири Ў. Султонов раислигида кенгаш бўлди, унда дебитор-кредиторлик қарзлари аҳволи ва уларни камайтириш йўллари муҳокама қилинди.

Кенгашда халқ ҳўжалиги тармоқларининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг, банклар ва корхоналарнинг раҳбарлари иштирок этди. Муҳокама қилинаётган масала юзасидан Бош вазир ўринбосари, молия вазири Б. Ҳамидов маъруза қилди.

Маърузада корхоналар ва ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларнинг ҳолати қониқарсиз экани таъкидланди. Кўп раҳбарлар мамлакатда юз бераётган ўзгаришларни яхши англаб етмаяпти. Натижада уларнинг корхоналарида сотилмаган маҳсулотлар тўпланиб қолмоқда. Бу амалдаги меъёрларни турлича бузиш, контрактларни номигагина тузиш, бозор талабларини яхши ўрганмаслик билан боғлиқ. Кўпинча маҳсулот уни сотиш тўғрисида шартнома тузилмай туриб ишлаб чиқарилмоқда, бу ҳол айланма маблағлар туриб қолишига олиб келади. Тузилган битимларнинг меъёрий ҳужжатларга мос эмаслигини кўрсатувчи аниқ далиллар келтирилди.

Дебитор қарзлар орасида аҳолининг электр ва сувдан фойдаланганлик учун, бошқа коммунал хизматлар учун қарзи анчагина ўрин тутади.

Кенгашда эркин маблағдан самарали фойдалана олмаётган, ўзлари хизмат қилаётган корхоналарга етарли таъсир ўтказмаётган тижорат банкларининг фаолияти қаттиқ танқид қилинди. Тўловларнинг ўтишида кечикишга йўл қўйилмоқда.

Дебитор-кредитор қарзларининг кўпайиши, айланма маблағларнинг йўқлиги солиқларни тўламаслик, молиявий бузилишлар, кичик корхоналарни ташкил этишдаги ва уларнинг ишидаги жиддий нуқсонлар билан ҳам боғлиқ. Акцияланган корхоналарнинг жамоалари ишлаб чиқариш ва молия соҳаларида тартиб ўрнатишга доир ҳуқуқларидан фойдаланмаётгани таъкидланди.

Кенгашда прокурор назоратини кучайтириш ҳисобига ўзаро ҳисоб-китоб қилиш тизимини яхшилаш масалалари ҳам кўриб чиқилди, корхоналар ва ташкилотлар ўз мажбуриятларини бажармасликнинг ҳуқуқий оқибатлари тушунтирилди, ўзаро ҳисоб-китоб қилишнинг аҳволи, тўлов интизоми ва шартномаларни бажариш учун корхоналар ва ташкилотларнинг масъулиятини, бу жараёнлар устидан назорат қилишда суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва банк муассасалари аҳамиятини ошириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди. Давлат иқтисодиётининг бу муҳим соҳасидаги камчиликларни тугатиш юзасидан фикрлашиб олинди.

Кенгашда Бош вазирининг биринчи ўринбосарлари И. Жўрабеков ва Қ. Обидов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, Бош вазир ўринбосарлари иштирок этди.

(ЎЗА).

Республика хотин-қизларининг Тошкентда бўлиб ўтган биринчи конференциясида Ўзбекистон Хотин-қизлари қўмитасининг 1991-1996 йиллардаги ишлари якунлари муҳокама қилинди. Анжуманда Ўзбекистоннинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидан 200 га яқин делегат, шунингдек, мамлакат вазирликлари, идоралари ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, жамиятимизда хотин-қизлар фаолиятининг аҳамияти анча ортди, деди Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Д. Гуломова ўз маърузасида. Уларнинг муаммоларини ҳал этиш давлат ишига айланди ва мамлакат раҳбариятининг доимий диққат марказида турибди. Президент Ислоҳ Каримовнинг Фармонига мувофиқ, хотин-қизлар қўмиталарининг раислари аини бир пайтда туманлар, шаҳарлар ва вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарларидир. Бу ҳол хотин-қизлар ташкилотлари ишини анча кучайтиришга, уларнинг ваколатларини кенгайтиришга, мамлакатимизнинг ўзидоғина эмас, хорижда ҳам уларнинг обрўсини

РЕСПУБЛИКА ХОТИН-ҚИЗЛАРИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

оширишга ёрдам бермоқда.

Хотин-қизлар бирлашмасининг фаолияти ислохотлар сиёсатини амалга оширишга қаратилган, деб таъкидланди анжуманда, аҳоли турмуш даражасини ошириш бу сиёсатнинг асосий мақсадидир. Хотин-қизлар ва болаларни, аини-са, қишлоқ жойларда яшовчи кам таъминланган ва кўп болали оилаларни ижтимоий муҳофаза қилишни яхшилаш юзасидан катта ишлар амалга оширилди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилишга, ёш авлодни мустақиллик гоғллари ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга жиддий эътибор берилмоқда. Қўмиталар хотин-қизларни ишга жойлаштириш, улар учун янги иш жойлари барпо этиш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий билимларини ошириш билан шуғулланмоқда. Хотин-қизлар орасида тadbиркорлик тез ривожланиб бормоқда. Ана шу фаолият давлат ва жамоат ташкилотлари, хайрия

жамғармалари билан доимий ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

Анжуман иштирокчилари хотин-қизлар ташкилотлари иши самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирларни белгиладилар, муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилдилар.

Ўзбекистон Хотин-қизлари қўмитасининг ташкилий пленуми бўлди, унда Д. Гуломова яна қўмита раиси этиб сайланди.

Конференция ишида Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирининг биринчи ўринбосарлари И. Жўрабеков, Қ. Обидов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов, Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари А. Қосимов, Б. Шодиева, Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тулаганов иштирок этди.

А. ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири.

МЕҲР ВА МУҲАББАТ БАЙРАМИ

7 март кун пойтахтимиздаги «Туркистон» саройи республика хотин-қизлар вакиллари, жамоат ташкилотлари, дипломатик корпус раҳбарлари, меҳмонлар билан гавжум бўлди. Бу ерда баҳор ва нафосат байрами — 8 Март — Халқаро хотин-қизлар кун муносабати билан тантанали кеча ўтказилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига йўллаган байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов ўқиб эшиттирди.

Маросимда Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Гуломова сўзга чиқди.

...Саҳнада мўътабар она сиймоси пайдо бўлди. У — меҳр ва муҳаббат тимсоли, ҳаёт бешигини тебратувчи зот. Соҳибқирон Амир Темур, ҳазрат Навоий каби буюк инсонлар ҳам она қошида таъзимга бош этганлар. Ҳадиси шарифда, жаннат оналар оёғи остидадир, деб бежиз айтилмаган.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, бухоролик зардўз М. Темурова, ЎзФА мухбир аъзоси А. Глушкова, ёшлар вакиллари -- ҳарбий олий ўқув юрти курсанти А. Азимов, талаба У. Нурматов ва йирилганларни, улар сиймосида мамлакатимиз хотин-қизларини байрам қутладилар.

Мустақиллик йилларида аёл, унинг яратувчилик меҳнати бениҳоя қадр топаётгани, мамлакатимизда оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоялаш борасида ибратли ишлар амалга оширилаётганини қайд этдилар. Зотан, аёллар халқ ҳўжалиги, фан ва маданиятнинг барча соҳаларида Ватан равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Истиқлол эса ўзбек аёлини бутун дунёга танитди. Унинг овози жаҳон миқёсидаги нуфузли анжуманларда баралла янграмоқда.

Тантанали кеча иштирокчилари юртимизда қарор топган тинчлик ва барқарорлик, инсонни улуглаш ва унинг манфаатларини таъминлаш йўлида қилинган гамхўрлик учун миннатдорлик изҳор этдилар. Юртимиз осмонида бахт-саодат юлдузи, қалбимиздаги ёруғ келажакка ишонч чароғи абадий порласин, дея тилак қилдилар. Санъат усталари, ёш истеъдод соҳиблари ижросида аёлни мадҳ этувчи қўшиқлар янгради, бадий-мусиқий лавҳалар намойиш этилди.

Кечада Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, республика Бош вазири Ў. Султонов, Бош вазирининг биринчи ўринбосарлари И. Жўрабеков, Қ. Обидов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тулаганов ва бошқа расмий кишилар қатнашди.

(ЎЗА).

• ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ МУҲОКАМАДА

МАЪҚУЛЛАЙМАН, ТАКЛИФ ҚИЛАМАН

Республикамызда эркин, демократик ва ҳуқуқий давлат қуриш сари шахдам қадамлар ташланмоқда. Яқинда «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида» ҳамда «Журналистнинг касбига доир фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларининг матбуотда эълон қилиниши ва уларнинг умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилиши фикримизнинг далилидир. Мен мазкур лойиҳаларни ўқиб чиқдим. Уларда журналистнинг касбига доир ҳуқуқлари, мажбуриятлари, жавобгарликлари анча тўлақонли акс этган. Шу боис ҳар икки қонун лойиҳасини ҳам маъқуллайман. Шу билан бирга, қуйидаги таклиф ва мулоҳазаларимни ўртага ташламоқчиман.

Мен ўз фаолиятим ва озми-кўпми тажрибамга асосланиб, «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг 6-моддасидаги «... сўров олинган кундан бошлаб ўттиз кундан кечиктирмай жавоб қайтарилиши керак» деган сўзларни «... сўров олинган пайтдан бошлаб уч кундан кечиктирилмай (масаланинг

мураккаблиги туфайли тезда жавоб қайтарилишининг иложи бўлмаган ҳолатларда ахборот олувчининг розилиги билан бу муддат бир ойгача чўзилиши мумкин) жавоб қайтарилиши шарт» деб тузатишни таклиф қиламан. Негаки, лойиҳадаги «ўттиз кундан кечиктирилмай» деган сўзлар сўралаётган ахборотни бироз кечиктириши, ҳатто бутунлай эскириб, матбуотда фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолишга ҳам олиб келиши мумкин. Ваҳоланки, матбуот тезкорликни, ҳозиржавобликни ёқтиради.

Матбуотда муаллифнинг розилигисиз унинг исми-шарифини ўзгартириб қўйиш ҳоллари ҳам учраб қолади. Шунини ҳисобга олиб, «Журналистнинг касбига доир фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг 15-моддасидаги «Ахборот манбаини ёки муаллиф тахаллусини унинг розилигисиз ошкор этганлик» деган сўзларнинг «Ахборот манбаини ёки муаллиф тахаллусини унинг розилигисиз ўзгартирганлик ва ошкор этганлик» деб тўлдирилишини сўрайман. Агар шундай қилинса, оммавий ахборот воситаларидаги ясама исм, фамилиялар кўпайиб кетишининг

олди олиниб, ҳар бир материалнинг муаллифини ўн, ҳатто юз йиллардан кейин ҳам аниқлаб олиш имконияти юзага келади.

9-моддада «Журналист текшируви даврида журналист олган материаллар ва ҳужжатлар олиб қўйилиши ва кўздан кечирилиши мумкин эмас», деб ёзиб қўйилбди. Хўш, «мумкин эмас» дейишни қандай тушунса бўлади? Бунинг ўрнига аниқ ва лўнда қилиб «Журналистнинг текшируви даврида олган материаллари ва ҳужжатлари олиб қўйилиши ва кўздан кечирилиши ноқонуний. Бундай хатти-ҳаракатларга йўл қўйган шахслар мазкур жиноятлари учун қонун олдида жазоланадилар» деб ёзиб қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мазкур қонунларнинг лойиҳаларини журналистлар, ёзувчилар ва бошқа қалам соҳибларигина эмас, бошқа касб эгалари, мутасаддилар ҳам кенгроқ муҳокама қилиб, ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирсалар, яхши бўларди. Негаки, бу ҳужжатлар фақат матбуот ходимларигагина тааллуқли эмас. Бу умумхалқ аҳамиятига молик бўлган муҳим ҳужжатлардир.

Мурод КАЛОНХОНОВ.

БАЪЗИ АНИҚЛИКЛАР КИРИТИЛСА

Солиқ Кодексининг лойиҳаси, умуман олганда, амалиётдан келиб чиқиб ишлаб чиқилган. Уни ўрганиб чиққач, қуйидаги фикр-мулоҳазалар пайдо бўлди.


Унинг «Солиқ ҳақидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик ҳақида»ги 38-бобида айрим ноаниқликлар бор. Жумладан, «Давлат солиқ идоралари ва уларнинг мансабдор шахсларининг жавобгарликлари тўғрисида»ги 134-моддада «Ўз мажбуриятларини бажармаганлик ёки етарли даражада ижро этмаганликлари учун солиқ идораларининг мансабдор шахслари қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортиладилар. Солиқ идоралари томонидан нотўғри ундирилган солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловлар суммаси қайтарилиши ёки улар кейинги тўловлар ҳисобига ўтказилиши лозим, мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари туфайли етказилган зарар қонунларда белгиланган тартибда тегишли бюджетлар ҳисобига қопланиши зарур», дейилган. Лекин бу моддада қайси қонунларга биноан иш қўрилади, бу аниқ кўрсатилмаган. Шунга эътибор қаратилса, солиқ идоралари ва мансабдор шахсларнинг жавобгарликлари

аниқ-лўнда қилиб белгиланса, мақсадга мувофиқ бўларди. Назаримда, бу билан солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари чеклаб қўйилган. Бундан ташқари, нима учун айрим мансабдор шахсларнинг баъзан билиб, баъзан билмай қилган хатоси, келтирган зарари учун бюджет зарар кўриши керак? Солиқ идоралари ходимларининг қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари учун жавобгарлигини белгилаш учун ушбу моддани қуйидагича тўлдиришни таклиф қиламиз:

«Солиқ идоралари нотўғри ундириб олган солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловлар қайтарилиши ёки улар кейинги тўловлар ҳисобига ўтказилиши лозим, ушбу идоралар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари туфайли етказилган зарар мазкур мансабдор шахсларнинг ҳисобидан ундириб олинади».

Ушбу Кодекс лойиҳасида бу каби масалаларга ойдинлик киритилса, солиқ тўловчилар ва солиқ идоралари ўртасидаги баъзи келишмовчиликлар барҳам топган бўларди. Солиқ тўловчилар қонунларда кўзда тутилмаган тўловлардан муҳофаза қилинади.

З. ДАУЛЕТҚУЛОВ,
Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманидаги
«Бунёд» хусусий корхонаси директори.




ЎЗА мухбири Вазирлар Маҳкамасида аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида Тошкент тажрибасини оммалаштиришга бағишланган мажлис қатнашчиларига мурожаат этиб, бу ҳақдаги фикр-мулоҳазаларини сўради.

УЙ-ЖОЙ – БОҚИЙ БОЙЛИКДИР

Абдулла СОБИРОВ,
Андижон шаҳри ҳоқими:

-- Аҳолини уй-жой билан таъминлаш ҳамisha долзарб вазифа бўлиб келган. Бу масаланинг доимо республика раҳбарияти диққат марка-

шароитида пул топишни, айниқса, уни нимага ишлатишни яхши билиш керак. Уй-жой, яъни кўчмас мулк — боқий бойликдир. Биз бу борада тушунтириш ишлари олиб борамиз ва



зида тургани халқимизга ғамхўрлик ифодасидир. Президентимиз таъкидлаганидек, юртда тинчлик ва барқарорлик бўлса, ҳар қандай иқтисодий муаммонинг ечими топилади.

Тошкент тажрибаси бунинг ёрқин мисолидир. Биз бу тажрибага кўпдан қизиқиб келяпмиз. Мана, у билан яқиндан танишиш, ўзимизда қўллаш имкони туғилди. Ўйлайманки, андижонликлар бу ишга бажонидил қўшиладилар.

Илҳом ҚОДИРОВ,
«Саноатқурилишбанк»
Самарқанд бўлими
бошқарувчиси:

-- Аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасидаги Тошкент тажрибасини вилоят марказлари ва шаҳарларида қўллаш айна муддао бўлди. Бу хайрли тadbирга молиявий хизмат кўрсатиш биз учун шарафли ва масъулиятли ишдир.

Бозор муносабатлари

ибратли тажрибани кенг ёйишга эришамиз. Чунки бу инсон манфаатларига хизмат қилади.

Азим
ЗАЙНИДДИНОВ,
Шаҳрисабз шаҳар
ҳоқими:

-- Янги тажриба бир йилдаёқ ўз афзалликларини кўрсатди.

Одамларнинг пулни аниқ ишга сарфлаши, ваъда қилинган уйни белгиланган муддатда олиши уларда ишончни кучайтиради. Бу -- жуда муҳим жиҳатдир.

Бизда улкан қурилиш маданияти, миллий анъаналаримиз бор. Уй-жой қурилишида ҳам ана шу имкониятлардан самарали фойдаланиш лозим, деб ўйлайман. Тошкент тажрибасининг мамлакатга ёйилиши эса уни янада бойитиш имконини беради. Шаҳрисабзликлар бу ишга муносиб ҳисса қўшадилар.

зориқишмайди.
Пахтакор туманидаги «Навбахор» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси билан ушбу хўжалик ерларини бор-йўғи битта зовур ажратиб турибди. Яширмай, айтаверса бўлади, тўрт-беш йил бурун бу ерликлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун Пахтакор

бодринг-помидор, карам етиштиришди. Кўй-сигирларига ҳам ем-хашак излашмайди, тутзорлар орасига йилига макка, ғалла экидилар.

-- Қанча даромад оляпсиз шу ерлардан? -- сўраймиз отадан.

-- Сўраб нима қиласиз, фойдаланилмай, бўш ётган қийтиқлар эди. Тирикчилик учун деб бекор ётмай, қимиллаб турибмиз. Ёзин-қишин ўзимизга етиб турибди. Органини бозорга опчиқамиз. Кечки карамни пайкалнинг ўзида сақлаб апрелгача, тузланганларини эса янги пишиқчиликкача

Боғлар вояга етгач, қайрағочлар олиб ташланди. Кўрибсизки, чоғроққина чорбоғ, очиқ экин майдони, теракзорлар барпо бўлди. Шуларнинг томорқаси орқасида, қишлоқда бозор очилди.

«Томорқачи»ларнинг касблари ҳам турлича. Уразали Бекмуродов машина устаси, Жуман Бўтаев ҳайдовчи, Файбулла Алиев ўқитувчи, Эргаш Тошбоев «энтимолог», Саримсоқ Қаландаров боғбон, Жонузоқ Раҳматуллаев шифокор. Кўшнилари ўзида йўқ маҳсулотни излаб ўтирмай, ўзаро айирбошлашади. Сабзи керакми, Файбулланикига, карам учун Бегмат отага, шолғом, турп бўлса Эргаш акага, саримсоқ пиёз, картошка керак бўлса, Уразалиникига ва ҳоказо.

Ҳисоблаб кўрдик, ҳар бир



«БОҒ КЎЧА» ДАН

ЎТГАНМИСИЗ?

Бу ерда касблари турлича, мақсадлари муштарак томорқачилар яшашади

сотамиз.

Деҳқон камтарлик қилади, даромадини айтмайди. Чунки унда ҳадиксираш ҳам йўқ эмас. Яқин-яқингача «меҳнатсиз даромад» топяпти, деб томорқачиларни текшир-текшир қилишардида.

Бироқ оқсоқол томорқачиликка кенг йўл очган юртбошимизга ошкора боқий умр тилади. «Одамни томорқа боқиши аниқ, -- деди у, -- ўзимдан қиёс: гўшт-сут, сариёғ, қатиқ ва куртгача, мева-чева, сабзавот-полигача сотиб олмай-миз».

Файзулла Хўжаев кўчасини одамлар «Боғ кўча» ёки «Томорқачи» кўчаси, деб аташади. Бу бежиз эмас. Шу қаторда йигирма олти оила истиқомат қилади. Кўчанинг нариёғида беш гектардан зиёд энсиз, узун майдонда бир вақтлар тупроқ эрозиясидан сақлаш учун ихотазор яратилиб, қайрағоч экилганди. Қишлоқ қурилгач, унинг кераги бўлмай қолди. Бу ерлар ҳар бир хонадонга олти сотихлик ҳовли-жойига қўшимча 18--19 сотихдан тақсимлаб берилди. Қўшнилари қайрағочлар қаторига мевали дарахтлар ўтқазилди, орасига экин-тикин экишди.

оила ўн-ўн беш сотих ердан камида йигирма беш-ўттиз центнергача сабзавот, ўн центнергача мева-узум олишаркан. Хўжаликда гектаридан 150--200 центнер ҳосил олинаётган бўлса, томорқачиларники қарийб уч юз центнерга тўғри келаркан.

Кўп жойларда бўлганимизда, айрим кимсалар ҳаётдан, замондан нолиб қолишади. Раҳбарлардан норози бўлишади. «Бир неча ойлаб маош олмаимиз, аҳволимиз ночор» дея зорланишади. Лекин ёнгинасидан ариқ тўлиб сув оқаётган тўрт-беш сотих ерлари ёз бўйи бўш ётади. Буни қандай тушуниш мумкин? Ахир хўжалик деҳқонга вақтинчалик нақд пул берол-маса-да, унинг иш ҳақидан кечиб кетолмайди. Бир кун келиб ҳисоб-китоб қилади, ҳозирча эса ҳоли-қудрат озик-овқат бериб турибди-ку. Вазиятдан чиқиш учун ҳамиша имконият қидириб меҳнат қилганлар, томорқага ружу қўйганлар яхши яша-шади, енгил-елпи кун кечир-ишга ўрганиб, иғвои миш-мишларга эрк берганлар муҳтожликка юз туттишлари муқаррар.

Ҳайитбой НАБИРАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Жиззах биқинидаги Ҳамид Олимжон номли ижара-ширкат бирлашмаси аҳолиси азалдан шаҳар халқини сабзавот-полиз маҳсулотлари, мева-чева, сут-қатиқ билан таъминлаб келади. Гапни чўзмасдан айтиб қўя қоладиган бўлсак, бу -- томорқанинг «каромати». Ҳар уч ҳовлининг бирида иссиқхона. Темир йўл беқатидаги «Кўк бозор»ни шулар обод қилишяпти. Қиш бўйи кўкатлар, сабзи, пиёз, картошка, лимон сотишса, эрта кўклардан сабзавот кўчатлари олиб чиқишади. Даладаги йигирма беш сотихлик ва ҳовлидаги кичик томорқаларидан юз минг сўмгача даромад қилганлар бор. Бунинг устига ҳар битта дала шийпони ёнида боғ ва сабзавот учун бир-икки гектар жой ажратилган. Бу жамоаники, иссиқ овқат учун. Демак, деҳқонлар йил бўйи озик-овқатдан

ёки Жиззах шаҳрига қатнаб овора бўлардилар. Энди эса ён қўшиланининг томорқачилик «касали» буларга ҳам юқди. Шундай оилалар борки, пахта ёғи, шакар, совун ва ундан бошқа рўзғор учун зарур ҳамма маҳсулотларни ўзларидан чиқаришяпти.

Бу -- мақтовга лойиқ иш. Чунки улар Жиззах чўлида яшашади. Сувни насос орқали олишади, оқар сув қишлоқнинг баъзи хонадонларига аранг етиб боради.

Насос станциясига Бегмат Сандинов исмли оқсоқол қарайди. Лоф бўлмасин, чўлқуварлар томорқа «мазаси»ни шу одам орқали татишди. Бегмат ота кампир Хосият ая билан пенсияда бўлсалар ҳам, тинишмайди. Бултур иккита зовур оралиғидаги йигирма сотих жойга сабзи-пиёз экишди. Вагонлари ёнидан яна шунча ерни ўғил-қизлари билан эпақага келтириб, мевали дарахт ўтқазилди, оралиғида

«МАССЕЙ ФЕРГЮСОН» ТРАКТОРЛАРИ ҚАШҚАДАРЕДА

Яқинда АҚШнинг «Массей фергюсон» фирмаси ҳайдов тракторлари Камаша ва Нишон туманларида синовдан ўтказилди. Фирманинг етакчи мутахассиси Моррис Ниси раҳбарлигида бу ерга келган америкалик механизаторлар мезбонлар билан бирга фирманинг тўрт хил русумдаги тракторлари Қашқадарё шароитида қандай ишлашини бир неча кун давомида кўздан кечирди.

Тракторларнинг плуглари автоматик тарзда бошқарилади. Энг муҳими, у баланд-паст жойларни бир-йўла текислаб кетади. Айтилик, далада тош ёки металл парчасига плуг теккан тақдирда, плуглар ўз-ўзидан сапчиб баландга кўтарилади.

Синовдан муваффақиятли ўтган комбайнлар ва ҳайдов тракторлари сотиб олинади.

П. ГАДОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Фермер ўғли.

8 МАРТ

СЕН БАРИБИР
МУҚАДДАССАН,
МУҚАДДАС АЁЛ...

*Дил борини сирини
дан айласа сўроқ,
Борини бир сўзини
солувини кўроқ.
Маъшук тун-кун
тарҳ хусини намойи,
Қайси кўзга насиб
дийдорини кўроқ.
Ибн СИНО.*

**Республикамиз
иқлим шароитига
мос энг ёғли экин --
махсар Ховос туманида
2000 гектар
ерга экиладиган
бўлди.**

Ховосликлар, албатта, бирданига таваккалчиликка қўл уришгани йўқ. Бундан уч йил аввал «Ховос» ширкат хўжалигида 150 гектар ерга махсар экилган эди. Ҳосилдорлик юқори бўлди. Кейинги йили 400 гектарга, ўтган йили 325 гектар майдонга махсар

МАХСАР— АДИРБОП ЭКИН

уруғи қадалди.

Уч йилдаёқ оғизлари анча «мойланиб» қолган ховосликлар бу йил катта майдонда кучларини синиб кўришмоқчи. Маълум бўлишича, махсарнинг бошқа серёғ экинлардан бир қатор афзаллиги бор экан. Масалан, 100 килограмм чигит 10 килограмм истеъмолбоп ёғ берса, шунча махсардан 25 килограмм ёғ олинапти.

Таннарх ҳам арзон тушади. Икки минг гектардаги экин учун 4 миллион сўм сарфлаб, ундан 25 миллион сўм фойда олиш мумкин. Махсарнинг асосан адирлардан иборат Ховос тумани учун яна бир қулай томони, қишлоқларда мойжувозларнинг кўпайиши ва саноатни қишлоққа олиб кириш тезлашуви учун қулай имконият яратишидир.

Х. АЛИҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

8 МАРТ
СЕН БАРИБИР
МУҚАДДАССАН,
МУҚАДДАС АЁЛ...

Аввал онамизга, яна
онамизга ва яна онамизга,
сўзи онамизга яхшилик
қилини!

УЛАР БИЗНИ УЛУҒВОРЛИГИ БИЛАН РУҲЛАНТИРИШАДИ...

Шундай катта байрамда -- Халқаро хотин-қизлар кунда сайёрамизнинг ҳамма томонида оналарга, рафиқаларга, опа ва сингилларга сўхат-саломатлик ва бахт-саодат тилаб, уларга гуллар ва совғалар тақдим этилади. Ҳаётнинг давомийлиги оналарга боғлиқдир.

Бизни оналаримиз кўрақ сути билан боққан, биринчи сўзларни айтишга ўргатган, оналар хонадонимизнинг файдидир. Она инсон авлодларининг давомчисигина эмас, ҳамма замонларда расомлар ва шбирлар мунис аёлларни бежиз қуйламаганлар. Алишер Навоийнинг нафис газалларини, Умар Ҳайёмнинг доно рубоийларини, замондошимиз Чингиз Аҳмаров чизган гўзал чехраларни эслаб кўрин!

Шарқда аёлларга ҳурмат, меҳр-оқибат ҳамisha юксак маданият белгиси бўлиб келган. «Келин» сўзи «Ўз хонадонингга кел» деган маънони билдиради. Ҳаётда фарзанддан ширин нарса борми, фарзанд эса оналар туфайли дунёга келди!

Буюк бобомиз Амир Темура рафиқаларига ва келинларига ҳурмат билан муносабатда бўлганини кўрсатувчи жуда кўп далиллар тарихий манбаларда сақланиб қолган. Улар тўрт девор ичида қамалиб қолишмаган, барча қатори байрам тантаналарида иштирок этганлар, сафар қийинчиликларига шерик бўлганлар.

Ана шундай юришлардан бирида Амир Темир жангчиларининг хотинлари эркаклар кийимини кийиб, душманни чалғитганлар. Амир эса вазиятдан фойдаланиб, қўшинлари билан душман орқасига ўтиб ҳужум қилган. Ҳар сафаргидек Амир Темура галаба қозонган.

Соҳибқирон ўз неваралари тарбиясини айна Бибиҳонимга ишониб топширар эди. Шуниси қизиқки, Бибиҳонимнинг ўз фарзанди бўлмаган, бутун меҳрини Темура авлодига бағишлаган.

Яна бир диққатта сазовор ҳодисани эслайлик -- Мовароуннаҳр маликалари ҳамisha эзгу ишларга шафелик қилган-

лар. Айниқса, меъморчиликка катта эътибор берганлар.

Чунончи, Самарқанддаги энг катта Жомье мачити -- Бибиҳоним мачити соҳибқироннинг Ҳиндистонга юриши чоғида Амир Темура рафиқасининг буйруғи билан унга совға, авлодларга мерос сифатида қурила бошлаган. Малика орзулари шу мислсиз бинода акс этган. У олти асрдан буён улуғворлиги ва гўзаллиги билан одамларни мафтун этиб келмоқда. Мачит гумбазига тикилсанг, бундай иморатни фақат севган ва севишган аёлгина режалаштириши мумкинлигини англай бошлайсан.

Яна бир малика -- Шохруҳ Мирзонинг рафиқаси Гавҳаршодбегим, гўёки Бибиҳоним билан бунёдкорликда беллашгандек, Ҳирот ва Машҳадда жуда кўп ажойиб иморатлар қурдирди. Меъморликнинг бу ёрқин излари ҳақида кўп сўзлаш мумкин.

Лекин ҳозирги кунимизга қайтайлик. Бу суратлар тўрт йил муқаддам уруш олови ичида қолган Афғонистонга сафар хизмати чоғида олинган. Ўшанда мен фақат бир нарсани -- кўпроқ суратга олишни, материал тўплашни, воқеаларнинг халис гувоҳи бўлишни ўйлагандим.

Мозори Шарифда, Тошқўрғонда, Шивирғонда, Балхда кўчалар ва бозорларда, мачитларда -- ҳамма жойда чодра ёпинган аёлларни учратганман. Улар бошдан-оёқ ўралиб олишган, фақат кўзлари олдида тўр тутилган. Кўпларнинг фикрича, суратлар қизиқарли чиққан. Бир сўз билан айтганда, шарқона суратлар!

Лекин фотокамера бошқа нарсаларни ҳам қайд этган. Афғонистонда аёлларнинг гўзал чехраларини ҳам суратга туширишга муваффақ бўлганман. Улар ҳаётда қандай бўлсалар, худди шундай тасвирланган, пардоз-андоз қилинмаган. Мана, аёллар кундалик юмушлар билан овора, болалар уларга ёрдам беришмоқда. Уларнинг кўзларида

гам-ташвиш акс этади. Узоқ давом этган уруш, минглаб кишиларнинг ёстигини қуритган, юзлаб катта ва кичик қишлоқларни, шаҳарларни, ирригация иншоотларини вайрон қилган, икки миллион кишини майиб ва мажруҳ этган хунрезлик йилларида улар нақадар азоб чекканлар.

...Оммавий ахборот воситалари ҳар кун Афғонистон -- Тожикистон чегарасидаги ташвишли вазият тўғрисида, Амударё ортидаги мамлакатда давом этаётган урушнинг битмас-туганмас қулфатлари ҳақида ташвишли хабарлар келтирмоқда. Тасаввур қилишнинг ўзи ҳам даҳшат, лекин улар оналар, аёллар ва опасингиллар кўча-кўйга фақат юзларигача ўралиб чиқишини, ўқиш, қилаш, спорт ва ижодиётни унутишини хоҳлайдилар. XXI аср бўсағасида, ҳозирги пайтда бўлаётган гаплар бу!

Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов юксак минбарларда туриб бонг ураётгани, Амударёнинг ортидаги мамлакатдан ўн миллионлаб одамлар яшаётган Марказий Осиё минтақасига хавф солинаётганини эслатаётгани бежиз эмас.

Байрам кунда бу ҳақда ёзиш ўринсиздек туюлади. Лекин келажакни кўзлаб, айна шу қувончли байрам кунида ҳақиқатни айтиш керак: урушдан даҳшатли нарса йўқ! Уруш ҳаммадан ҳам аёллар ва болаларга кўпроқ гам-гусса келтиради.

Ҳар қандай мамлакатда ҳар бир она ўз хонадонидида тинчлик ва фаровонлик бўлишини, фарзандлари соғлом ўсишини, осмон мусаффо ва тинч бўлишини истайди.

Байрамингиз муборак бўлсин, азиз хотин-қизлар!

Сизларга бахт-саодат тилаймиз, азиз оналар, мунис рафиқалар ва опа-сингиллар!

Сизларнинг ташвишларингиз ва юмушларингиз мумкин қадар кам бўлиши учун қўлимиздан келган ҳар ишни қилишга тайёرمىз...

Рустам ШАҒАЕВ,
ЎЗА махсус мухбири.
Афғонистон -- Тошкент.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

РАД ЭТДИ

ВАРШАВА. Польша Мудофаа вазирлиги мамлакат ва ҳукуматнинг Украинага «Т-80 УД» русумли танк мосламаси ва жиҳозларни сотиши ҳақида Россия матбуоти тарқатган хабарларни рад этди. У бу хусусда ҳеч қандай музокаралар ўтказилмагани, ҳатто Россия матбуоти қайд этган танк мосламалари Польшада умуман ишлаб чиқарилмаслигини маълум қилди. Россия матбуоти эса, айна пайтда Украина Польшадан сотиб олган жиҳозларни энди Покистонга сотиши ҳақида ёзмоқда.

ТЎҚНАШУВ ЮЗ БЕРДИ

БОНН. Германиянинг Данненберг шаҳрида полиция билан намойишчилар ўртасида тўқнашув юз берди. Данненберг аҳолиси шаҳар яқинидаги «Горлебен» ядро чиқиндилари ахлатхонасига катта миқдорда радиоактив моддалар кўмилиши тўғрисидаги ҳукумат қароридан хабар топгач, дарҳол норозилик намойиши уюштирган эди. Айна пайтда полициячилар «Горлебен»га борадиган поезд йўлларини «ишғол қилган» намойишчиларга қарата сув пуркаб, уларни темир йўлдан четлатишга уринмоқда. Намойишчиларнинг 30 нафари ҳибсга олинган. Лекин, барча чора-тадбирларга қарамай, темир йўлнинг атиги уч юз метри «тозаланди», холос. «Горлебен» эса Данненбергдан 20 километр узоқликда жойлашган.

ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИХАСИ

ВАШИНГТОН. АҚШ Президенти Билл Клинтон Америка фуқаролари хавфсизлигини таъминлаш ва турли жиноятларнинг олдини олишга қаратилган янги қонун лойиҳасини мамлакат Конгрессига тақдим этди. Мазкур қонун ўт очувчи қуроллар билан савдо қилиш ва улардан фойдаланишни чеклайди. Янги қонунга биноан, чет элликларнинг АҚШ ҳудудида қурол сотиб олиши ва қуролланган ҳолда юриши тақиқланади. Шунингдек, бундан буён шахсий ва хизмат қуроллари учун махсус қулфлар қўлланилади. Бундай чора ўсмирлар ва болаларнинг қуролдан фойдаланишини чеклайди. Федерал ҳукумат маълумотига кўра, мамлакатдаги 15-18 ёшдаги ўсмирлар орасида юз бераётган ўлимга қисман ўқ отиш қуроли сабаб бўлмоқда.

УЧ КУНЛИК ТАШРИФ

Россия Давлат Думаси делегацияси расмий ташриф билан Грузия пойтахти Тбилисига келди. Делегацияга Россия парламенти раиси ўринбосари Михаил Гусериев раҳбарлик қилмоқда. Уч кунлик ташриф давомида М. Гусериев Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе, парламент раиси Зураб Жвания ҳамда бошқа ҳукумат аъзолари билан учрашади. ПАТА--ТАСС ахборот маҳкамасининг хабарига кўра, учрашувлар давомида икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ҳамда Грузия ҳудудидаги Россия ҳарбий базалари масаласи муҳокама этилади. Маълумки, Россия ҳарбий қисмларининг ҳамон ушбу мамлакат ҳудудида сақлаб турилиши Грузия парламенти аъзолари орасида норозилик уйғотмоқда.

НИМА, ҚАЕРДА, ҚАЧОН?

ҚАРШИЛАР ВА...

Шу кунларда британиялик олимларнинг турли ҳайвонлар ва ҳатто одамнинг биологик нусхасини яратиш мумкинлиги тўғрисидаги кашфиёти кўпчиликнинг юрагига гулгула солиб қўйди.

Жаҳон оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниб турган ушбу кашфиёт ҳозирча расмий доиралар томонидан илқ қабул қилинганича йўқ. Шу туфайли бўлса керак, дунёдаги бир неча мамлакатлар, хусусан, АҚШнинг кўлаб телеканаллари ва газеталари кенг омманинг мазкур кашфиётга муносабатини билиш мақсадида оммавий сўров ўтказди. Унда маълум бўлишича, оддий атом фикри расмий доира вакиллари фикридан анча фарқ қилар экан. Гарчи айримлар одамдан нусха кўчириши одоб-ахлоқ доирасига тўғри келмаслиги, баъзилар эса, бу худонинг қаҳрини келтиришини айтган бўлса-да, сўровда иштирок этганларнинг аксарият қисми имкон топилса, ўзининг биологик нусхаси яратилишига умуман қарши эмаслигини билдирган.

«ҚИРОЛ ЎЛДИ, ЯШАСИН ҚИРОЛ!»

Руминиянинг Сибиу шаҳрида бўлган лўлилар йиғини ана шундай хитоблар билан ўзларининг янги «халқаро қироли» -- Флоринни қўтлади. Бошига олтин тож кийиб, қўлига шохлик дубулгаси тутқазилган қирол Флорин уч минга яқин «қавмдошлари»нинг табрикловчи ҳайқириқларидан сўнг бутун дунёда ушбу «майда миллат» ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ўз қавми манфаатлари йўлида сидқидилдан хизмат қилишга қасам ичди.

Лўлиларнинг халқаро қироли Иоан Чоабе инфаркт касалига учраб, вафот этгач, ўзини «майда миллат» деб атавчи элатга мансуб инсонлар ҳаётида ана шундай ўзгариш юз берди.

«ТЕЛБА ХАРИДОРЛАР» ДЎКОНИ

Токиодаги «Фейк-Алфа» дўкони «телбалар» лақабини олган япон коллекциячиларининг янги «намояндалари»га хизмат кўрсата бошлади. Япония коллекциячиларининг «телба» номини олиши ҳам маълум маънода муболагадан кўра, ҳақиқатга яқинроқ. Чунки улар катта миқдорда нул сарфлаб импрессионистлар полотноси, Хитой кумуш буюмлари, Осиё шилалари каби товарлар сотиб олади. Лекин «Фейк-Алфа» гилам ҳам, расм ҳам сотаётгани йўқ. Бу ерда кишиларнинг титилиб кетаётган жинсидилар сотилмоқда.

Утган январь ойида бу дўкон 1930 йилда ишлаб чиқарилган «Ливай 50 LXX» русумли шимни 1 миллион иенга сотди. Бу -- салкам 10 минг АҚШ долларига деган гап. Ҳозирча дўкон эришган энг сўнги рекорд шу. Бироқ унинг ходимлари савдода уч миллион иенлик «товарлар» борлигини айтиб, яқин кунларда рекорд янгилањажагига умид қилмоқда.

1997 05-05
Савдо 15 11-50



• БИР ХАТ ИЗИДАН

ташлаб чиқиб кетди. Сиздан ва суд мажлиси таркибидан норози эмиш! Осмон қўлингизда бўлса ташлаб юбор, дедингиз-у, беттачопар, одобсиз, «қонунни бузувчи» йигитга орқаворатдан ўн кунлик қамоқ жазоси тайинлаб юбордингиз. Ана энди додингизни кимга айтсанг айтивер! Ёзининг иссиқ палласида тор хонада нафасинг қисилиб ўн кун ўтирсанг, ҳушинг ўзингга келади. Аммо Бердиалиевда инсоф деган нарсанинг ўзи йўқ экан. Ун кунлик озодликдан маҳрум этиш ҳақидаги ҳукмингизни кўтариб бу «ёзувчи» йигит яна чоп-чопга тушди. Шу ўринда сиз кичкина, игнанинг учидай хатога йўл қўйгансиз.

ҳам. Ахир ўша пайтда Ҳамид Бердиалиев ўзингиз ва келинингиз учун олиб берган уйнинг олди-сотди шартномасидаги қалбакиликни сезиб қолган эди. Аслида бу ҳол сизнинг назарингизда жиддий хатолик эмасди. Ахир келинингиз Гулиҳаё Расулова ва уй сотган Ойбиби Собировалар бирон жойга шикоят қилинмаган бўлса, бўлди эди-да. Олди-сотди шартномасида сизнинг имзоингизга ўхшаш имзо турса нима бўлибди? Қолаверса, Собировлар бутунги кунда олис Туркменистонда яшашади. У ёққа қайси аҳмоқ бориб нима бўлган, нима қўйганлигини сўраб, суриштириб юрарди.

ва нимага керак? Сиздай ҳурматли одамга, яқинда Америкага бориб, у ердаги ҳуқуқшуносларнинг иш тажрибаларини ўрганиб келган ажойиб суд раисига бир вақтнинг ўзида шунчалик таъна-дашном тошини отиш инсофданми? Америкада сиз ажойиб сўзлар ўрганиб келдингиз. Айниқса, менга учрашув ва хайрлашув пайтида «О'кей» деб қўйишингиз жудаям ёқади. Қандай жарангдор, ёқимли сўз. Ҳамкасбларингизнинг биронтаси мана шу фазилатларингизни билармикин? Сизда қатор ижобий фазилатлар тўлиб-тошиб ётибди. Кўрдингизки, Бердиалиев билан жикқамушт бўлиш сиздай

ДИЛ ИЗХОРИ
ТОЛЕИ БАЛАНД
АЁЛЛАР

Хотин-қизларнинг милиция формасини кийиб юрсанларини кўрсангиз, дилингиз яираб кетади. Халқимизнинг ана шундай матонатли аёллари борлигини беихтиёр кўрсатмасиз.
Бир эркак кишининг гайрати, куч-қуввати, бардоши, энчилиги ва матонати таллаб этиладиган милиция хизматида аёллар ишлашининг мураккаблигини тасаввур қилиш қийин эмас. Чунки уларнинг зиммасида касб хизматидан ташқари рўзгор юмушию оила ташвишлари, фарзандлар тарбияси ҳам бор...
Мамлакатимизда тишчилик ва осийшталликни ташвишлан йўлда хизмат қилётган ана шундай она-сингилларимизни кутуғ кун билан самимий табриклаймиз.

Юлдузхон АППУРОВА,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг матбуот маркази инспектори.

О'КЕЙ, МИСТЕР РАСУЛОВ!

Бу мактубни Гулистон шаҳар судининг раиси Ўлмас Расуловдан бошқа ҳеч ким ўқимасин

кўпчилиги Арменнинг ана шу ҳиссасини алоҳида таъкидлашган ҳолда, Артур Григоряннинг Ўзбекистон спорти тарихида биринчи марта профессионал боксчиларнинг «Олтин камар»ини қўлга киритганини ва бундай муваффақият жаҳон миқёсида жуда камдан-кам содир этилишини инобатта олишиб, Артурга овоз беришди. Шундай қилиб, Артур Григорян Ўзбекистон Миллий кубогининг биринчи соҳиби сифатида мамлакатимиз спорти тарихидан ўрин оладиган бўлди. Унинг номи кўчма кубокка биринчи бўлиб қайд этилади.

Шунингдек, йиғилишда Бутунжаҳон шохмот Олимпиадасининг учинчи тахта бўйича «олтин» медали соҳиби Сайдали Йўдошев, миллий кураш бўйича соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишлаб Шаҳрисабзда ўтказилган халқаро турнирнинг мутлақ ғолиби Баҳром Авазов, бокс бўйича Атланта Олимпиадасининг «бронза» медали соҳиби Карим Тулагановнинг номлари ҳам алоҳида қайд этилди.

Шухрат РЎЗМОНОВ.
СУРАТДА: профессионал бокс бўйича «Олтин камар» соҳиби Артур Григорян.

SPORT SPORT

АДЖАНТА ФАРМА ЛИМИТЕД



Ўзбекистон хотин-қизларини
8 март байрали
билан тадбирлайди!
Барча аёлларга оилавий бахт,
боқий муҳаббат ва гўзаллик тилаймиз.

Халқ
сўзи
13
8
март

АПИФЕН

мушак оғриқларини
қолдирадиган ишончли,
самарали восита.

Кунига уч маҳал
1-2 таблеткадан.

Шаҳар дорихоналарига мурожаат қилинг.

с/и туркистон фарма лимитед

ТАШКИЛОТ

руҳ аралаш пўлатдан тайёрланган

ПРОФНАСТИЛ (ТУШАМА-ТУНУКА) СОТАДИ

ҚАЛИНЛИГИ - 0,7-0,8 мм.

НОВА(ГОФРА) БАЛАНДЛИГИ - 35, 57, 75 мм.

УЗУНЛИГИ - ХАРИДОР ХОҲИШИ БЎЙИЧА.

Нархи бозор баҳосидан анча арзон.

Телефон: (3712) 41-41-77.

Факс:

(3712) 41-54-90.

"ГҶШТСУТСАВДО" ДАВЛАТ САВДО ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ
чекланмаган миқдорда Грузиянинг бутун дунёга машҳур
шифобахш маъданли "Боржоми" сувини таклиф этади.



Ошқозон-ичак, жигар
хасталиklarини
даволашда самарали
малҳам ҳисобланган
"Боржоми" суви
булоқлари минг йилдан
ошиқ даврдан буён
хасталар дардига шифо
бўлиб келмоқда.



Мурожаат учун манзил:

Тошкент ш., Олтинкўл 2-тор кўчаси, 115-уй (мўлжал:
"Рисовой" бозори). Тел.: 91-40-11, 91-15-54, 91-57-43.


«НА-ЗАР» ХУСУСИЙ ФИРМАСИ КЎЙИДАГИЛАРНИ

СОТАДИ:

- автошиналар -- 260x508;
- автошиналар -- 220x508;
- автошиналар -- 320x457;
- с/з шиналар -- 400x610;
- аккумулятор -- 6СТx90;
- автоприцеп;
- гидроцилиндрлар -- ГНЦ 100/250;
- подшипниклар;
- рухланган том тунакалари;
- «ДЭУ» 2049 телевизорлари;

Ҳақ тўлаш: пул ўтказиш, вексель.

Телефонларимиз: 34-97-18, 34-57-98.



Чилонзор туманидаги
«Маҳкам Камол» масъу-
лияти чекланган оила-
вий корхона

ТУГАТИЛАДИ.

Эътирозлар эълон га-
зетада чоп этилгандан
сўнг 15 кун ичида қабул
қилинади.

TURKISTON



ХИФ
ТУРКИСТОН
ИНВЕСТ



АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Агар Сиз ўзингизнинг ва фарзандларингизнинг
келажagini моддий таъминлашни истасангиз,
мамлакатимиздаги энг йриқ ва ишончли ХИФлардан
бири - "Туркистон-Инвест" акцияларини сотиб олинг!

"Туркистон-Инвест"нинг низом жамғармаси 5 000 000
сўмдан иборат бўлиб, қимматбаҳо қозғалар бозорига
умумий қиймати 500 млн. сўмдан иборат 5 млн. дона
акция чиқаради.

Сиз "Туркистон-Инвест" акцияларини "Азиятраст"
бошқарув компанияси фонд дўконларидан ва республика
Халқ банкининг барча бўлимларидан сотиб олишингиз
мумкин.

Бир дона акция баҳоси - 100 сўм.

Маълумот учун кўйидаги манзилга мурожаат қилинг:

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани,
Қашқар даҳаси, 17"А"-уй, 3-қават.

(Мўлжал: ўт ўчирувчилар мактаби,
олдинги ИИБ поликлиникаси биноси).

● Телефонлар: 35-24-56, 31-81-73.

● Пейжерлар 896, 894 (067 орқали).

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг ички ишлар бошқармаси
раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма ходими, милиция подполковни-
ги Бахтиёр Раҳмоновга отаси

РАСУЛЖОН отанинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва Чилонзор тумани
халқ таълими бўлими 164-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Мамалали АБДУЛЛАЕВнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор
этади.

Тошкент кимё-технология институти раҳбарияти ва фундаментал фан-
лар факультети декани Ашроф Эминовга ахиси

Маъруф МАЪМУРОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тупроқшунослик ва агрохимё институти жамоаси Ўзбекистон Фанлар
академиясининг академиги Ж. Сагтороғва онаси

Ҳикоят ая РОЗИҚОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Фанлар академияси Тупроқшунослик ва агрохимё инсти-
тути жамоаси тупроқ физикаси ва технологияси бўлимининг катта илмий
ходими, қишлоқ ҳўжалиги фаълари номзоди Р. Қурвантосовга онаси

Обида ая ПРИСМЕТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

От қадимдан инсон меҳнатини энгиллаштирувчи жонзот сифатида ардоқлаб келинган. Отлар кишилар билан ҳамдам. Кўллаб эртақ, афсона, асотир, дostonларда от билан боғлиқ воқеалар учрайди. Чунончи, уларда гўё отлар одам тилини тушунган, уни хавф-хатардан бохабар қилган ва маслаҳатлар берган, ярадорларни жанг майдонидан олиб чиққан, деб тасвирланади. Ана шундай машҳур отлардан бизларда ёшлиқдан эсда қолганлари Алпомишнинг Бойчибор, Гўрўглининг Фирот исмли тулпорларидир. Бир сўз билан айтсак, отга муносабат, уни суйиш сиз билан бизга қон билан кирган. Қушдай учқур аргумоқлар ҳақидаги афсона ва ривоятлар авлоддан-авлодга ўтаверади...

8 МАРТ
СЕН БАРИБИР МУҚАДДАССАН, МУҚАДДАС АЁЛ...
Оламда аёл маҳзунга дoston туғамандир, Чун ишқ туғамас, ишқдаги армон туғамандир.
Эркин ВОҲИДОВ.

Хуш, инсоннинг доимий ҳамроҳи бўлган бу жонивор ҳақида нималарни биламиз? От тараққиётнинг турли сўқмоқларини инсон билан басма-бас босиб ўтган ягона жонивордир. Инсоният кўп ҳолларда тарих варақларидаги жангу-жадаллар, ғалаба нашидалари, мағлубият аламлари, кундалик ҳаёт сабоқларини шу жонивор билан баҳам кўрган. Одамзотта энг яқини ҳам,

ҳозирги Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари ва Панжикент атрофида ўстирилган. Улар ўзбек ва туркман отлари чапишидан келиб чиққан. Ўзбек отлари туркман отларига нисбатан майлароқ ва кўрimsизроқ бўлса-да, жуда кучли, чидамли эди. Қўқон отлари асосан юк ташиш учун мўлжалланган. Қўқон арава номи ҳам шундан келиб чиққан бўлса, ажаб эмас. Урта Осиёда қадимги от

оқсоқоллари кенгаши билан бўлган музокара пайтида элчи «олтин от» ҳайкалчасини жаҳд билан суриб йиқитиб, чиқиб кетади. Муқаддас отга нисбатан қилинган бундай ҳақорат учун Довон ҳукмдори буйруғи билан элчи Ючэн (ҳозирги Ўзган шаҳри яқинида бўлган деб тахмин этилади) шаҳрида қўлга олиниб, қатл этилади. Аммо император қандай қилиб бўлса ҳам самовий тулпорларни олиши

расмлар Фарғона водийсининг шарқий қисмида бежиз учрамайди. Айнан шу жойларда, илмий манбаларда таскилланишича, наслдор отлар етиштирилган. Бу Қирғизистоннинг Аравон, Новкат туманлари, Ўзбекистоннинг Марҳамат, Асака, Кува туманлари ҳудудидир. Отлар тасвири сополларга ҳам туширилган. Жумладан, Фарғонанинг ўнга яқин жойида сополларга тирнаб, муҳр қилиб

Баъзида отлар билан боғлиқ муқаддас жойлар ҳам учрайди. Ушбу сатрлар муаллифига Андижон, Навоий вилоятларидаги ана шундай жойлар маълум. Булар «Дулдул ота» қадамжолари бўлиб, Ҳазрат Алининг шу номли отига боғлиқ афсона билан изоҳланади. Бу ҳам отларни илоҳийлаштиришнинг бир кўринишидир.

Фарғона зотдор отлари ҳақидаги ҳикоямизни тугатар эканмиз, у ердаги ҳозирги йилқичилик ҳақида гапирмай иложимиз йўқ. Довон отларининг шон-шухратини тиклаб бўладими? Афсуски, Фарғонада йилқичилик деярли йўқ бўлиб кетган. Агар рақамларга мурожаат қилсак, инқилобдан кейин водий бўйича 93 мингга яқин от бўлган. Хитойлар тилга олган Эрши (ҳозирги Марҳамат шаҳри) атрофида 42 минг, Андижон вилоятида 42



ФАРҒОНАНИНГ САЛОВИЙ ТУЛПОРЛАРИ

туркумларидан яна бири Фарғона тулпорлари -- Довон отлари эди. Улар ҳақида биринчи маълумотлар Хитой ёзма манбаларида учрайди. Бу

керак эди. Чунки Хитойда Фарғона отлари жуда машҳур бўлган. Уни қўлга киритган киши жисмонан бақувват ва умри абадийликка дахлдор бўлади, деган ривоят ҳам бор эди. Шундан сўнг Фарғона отлари учун қонли жанглар бошланади. Элчиси қатл этилганидан газабланган император доvonликлар таъзирини бериб қўйиш учун Ли Гуанли кўмондонлигида Фарғонага икки марта ҳарбий юриш ташкил этади.


солинган от тасвирлари қайд этилган. Улар ичида Довон подшолигининг йирик шаҳри Шурабошот ёдгорлиги яқинидан топилган идишга солинган от тасвири қимматлидир. Бу хитойлар ҳарбий юриш қилган шаҳар қолдигидан топилган биринчи от тасвири ҳисобланади. Поп шаҳри яқинидаги Мунчоқтепадан топилган УП-УПІІ асарларга оид хумда ҳам қанотли отлар расмини кўраимиз. Унда қанотли от тезлик билан чопиб бораётгани, от тумшуги остида юлдуз, орқа томонида

ақллиси ҳам, беозори ҳам отлардир.

Археологик маълумотларга кўра, отлар Урта Осиёда қарийб 3000 йилдан ортиқ вақтдан буён инсон хизматида. Яъни, милоддан аввалги II минг йилликнинг 2-ярмидан бошлаб отлар хонақиллаштирилган. Бу катта тарихий давр давомида отдан транспорт воситаси, озиқ-овқат манбаи (гўшт) сифатида, доривор ичимлик (қимиз) тайёрлашда кенг фойдаланилган. Тарихий-биологик ривожланиш жараёнида зотдор отлар етиштирила бошланди. Ҳар бир соҳа учун махсус отлар зоти етиштирилди. Масалан, юк ташувчи отлар, учқур чавандоз отлар бўлганини биламиз.

маълумотларни милоддан аввалги 136-125 ва 115-йиллари император томонидан юборилган элчи ва сайёҳ Чжан Цзянь келтирган эди. Жумладан, Фарғона водийси ёки хитойчасига Да Юань (баъзида Та Юань) -- Довон тўғрисида кўплаб маълумотлар қолдирган. У шундай деб ёзади: «Довонликлар ўтроқ ҳаёт кечирдилар, деҳқончилик билан шуғулландилар, шולי ва бугдой етиштирадилар. Уларда узум шароби бор... Аргумоқлар кўп...» Хитой манбаларида Довон (Фарғона) пойтахти Эрши шаҳри эканлиги ҳамда бу шаҳарда ажойиб учқур тулпорлар боқилиши эътироф этилган. Яна ўша манбаларга кўра, император У Ди тулпорлардан бир нечасини олиш мақсадида Довон подшосига қимматбаҳо совғалар, жумладан кумуш ва олтиндан ясалган от ҳайкалчасини элчи орқали жўнатган. Ҳайкалча оғирлиги 1000 чин (оғирлик ўлчови 1 чин-22,4 грамм) бўлган. Қолган олтин ва кумуш тўртбурчак шаклидаги танавор (зағатовка) эди. Бизнинг ҳисоб-китобларга кўра, Довонга келтирилган совғаларда тиллонинг оғирлиги 200-250 кг. атрофида бўлган. Ана шу совгани олиб элчи Фарғонага келади. Лекин доvonликлар аргумоқларни хитойларга беришдан бош тортганлар. Яъни, улар олтиндан ҳам қимматроқ эди. Устига устак, Довон

Хитойлар хабар берган отлар ҳақида ишонарли фактлар археологик текширишлар жараёнида маълум бўлади. Бу--от суяклари, анжомлари, тош ва сополга солинган суратлардир. Археологик далил-аёшлар гувоҳлик беришича, Фарғонада, Селунгир ғорида бундан 200-300 минг йил олдин ҳам от бўлган. Албатта, у ёввойи эди. От суяклари қолдиқлари милоддан аввалги X--УПІІ асрлар ёдгорликлари орасида кўп учрайди. Қолаверса милоддан аввалги II минг йилликдан бошлаб марҳумни ўз оти билан қўшиб дафн этиш бошланади. Бу одат деярли XV-XVI асрларгача урф бўлади. От билан инсонни бирга дафн этиш одати айниқса қадимги туркий халқларда кўплаб қайд этилган. Турклар ҳаётида отлар аҳамияти катта бўлган. Улар икки дунёни ҳам отларсиз тасаввур эта олмаганлар.



ярим ой тасвири акс эттирилган. Расм ўз келиб чиқиши билан узоқ тарихий даврларга бориб тақалади.

Ислом динида отга илоҳий мўъжиза сифатида қаралган. Куръони Каримда шундай сатрлар бор: «У зот яна сизлар миншингиз учун зийнат қилиб отлар, хачирлар ва эшакларни (яратди)». (Нақл сураси).


минг йилқи бўлган экан. Демак, кейинги етмиш йил ичида йилқичиликни йўқ қилиб юборибмиз.

Фикримиз сўнггида Довон отлари макони Асака шаҳридаги замонавий от-улов чиқарувчи завод ҳам қадимги аргумоқлар маконида қурилганини эслатиб ўтмоқчимиз. Ҳатто қадимги «Асака» номи ҳам чавандозлар, отлиқлар маъносини бераркан. Яъни, «асвака» --от, «ассака» -- отлиқлар дегани экан. Қизиги, минг йиллар ўтиб Довон отлари маконида энг замонавий от-улов ишлаб чиқарувчи заводнинг айнан Асакада қурилишида рамзий маъно бордай туюлади... Балки дастлаб эста олганимиз--ўтмиш тулпорларининг руҳи уйғоқдир...

Боқижон МАТБОБОЕВ,
 Ўзбекистон Республикаси ФА
 Археология институти катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди.

БУХОРОНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ЛАБИҲОВУЗ




Юртимизда Лабиховуз ҳақида эшитмаган одам бўлмаса керак. Бухорога келган меҳмон борки, бу ерни зиёрат қилишни ўзи учун фарз, деб билади. Қадимий сайишгоҳ ҳозир бошдан-оёқ таъмирланмоқда. У аввалгисидан-да, юз баробар кўркамлашади. Ҳовуз ва унга туташ хиебон, тарихий обидалар атрофида 10 миллион сўмга яқин ободончилик ишларини амалга ошириш режалаштирилган. 2400 квадрат метр жойда мрамор ҳамда тош плиталар шахмат усулида ётқизилади. Қурувчи-бунёдкорларнинг қўли-қўлига тегмайди. Бир томонда ҳовуз атрофида айланаси 200 миллиметрли қувурлар ётқизиладиган бўлса, иккинчи томонда майдонлар текисланиб, уларнинг сатҳи безакли плиталар билан қопланмоқда. Мутахассислар таклифи билан ҳар тўрт метрда махсус «чуқурчалар» қолдириляпти. Улар қор ва ёмғир сув-

ларини оқова қувурларга ҳайдаш учун хизмат қилади. Илгари бунга эътибор берилмаган. Натижада, қўлмак сувлар пайдо бўлиб, сайишгоҳ манзарасини бузиб турган. Лабиховузда амалга оширилаётган тадбирларда 25 нафар ишчи фаол иштирок этаётир. Улар кучи билан қисқа вақтда 1,5 миллион сўмдан ортиқ иш бажарилди. Бу -- ҳали бошлангани. Қурилиш лойиҳаларини бекаму-кўст амалга ошириш диққат марказида тарихий обида, бухороликларнинг фахри сифатида ана шундай ардоққа лойиқ.

Тантана онлари яқин. Шу боис, ўтаётган ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиляпти. Лабиховузни куркам, серфайз оромгоҳга айлантириш қурувчиларнинг эзгу ниътидир. Зеро Лабиховуз бебаҳо тарихий обида, бухороликларнинг фахри сифатида ана шундай ардоққа лойиқ.

Маннон ОТАБОЙ,
 «Халқ сўзи» муҳбири.



ДУШАНБА, 10

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00 — 8.30 «Хафтаном».

8.30 «Яхши кайфият». Мусикий дастур. 9.00 «Ўзбектеlevision» намоиш этади. «Бир элнинг фарзандимиз». Премьера. 9.15 «Марсия». Бадий фильм. 4-серия (Италия). 10.00 Янгилликлар. 10.05 «Китоб ва ҳаёт». 10.30 А. С. Пушкин. «Олтин баликча». Хоразм Давлат кўйроқ театрининг спектакли. 11.10 «Сихат-саломатлик». 11.40 «Гойиб бўлди осмонда қуш». Мультифильм. 11.50 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрадасимфоник оркестрининг концерти. 12.25 «Дарбадар автобус». Бадий фильм. 14.00 — 14.05 Янгилликлар.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгилликлар. 18.10 «Эркатой». 18.25 «Ташаббус». Тадбиркорлар кўрик-танлови. 18.40 «Морена Клара». Телесериал. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 Биржа ва банк хабарлари. 20.15 Оқшом артаклари. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Буюк келажак сари». 21.20 «Маънавият». Фольклор-этнографик ансамблларнинг «Зилот» телефестивали. 21.40 «Вақт». Публицистик кўрсатув. 22.00 Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотига номзодлар. Тоҳир Малик. «Сўнги ўқ». Кўп қисмли видеофильм. 1-қисм. 23.05 «Бу оқшом...». 23.25 Эълонлар. 23.30 «Ахборот». 23.55 Тунги тароналар. 00.25 — 00.35 «Ватан тимсоллари».

18.00 Кундалик. 18.10 Эълонлар. 18.15 «Ерилош». Мультифильм. 18.35 «Спорт қитъаси». 18.45 «Компьютер-Осиё». 18.55 «Услуб». 19.05 «Мак ва Матли». Кизикarli дастур. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар. Телесериал. 20.20 «Спорт қитъаси». 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Кинонигоҳ». 22.30 «Спорт қитъаси». 23.00 «Бебаҳо лахзалар». 23.10 Кундалик. 23.15 Оҳанглар ва Эълонлар. 23.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм. 00.15 — 00.25 Кундалик.

17.55 Янгилликлар. 18.00 «Гилон». «Тоғлар, тоғлар». Телефильмлар. 18.30 Эълонлар.

18.35 — 21.35 Россия жамоат телевидениеси.

21.35 Эълонлар. 21.40 «Калеба қизлари. Эмили». Телесериал. 11-серия (Канада). 22.25 «Кругозор». Тележурнал.

22.45 — 23.05 Россия давлат телевидениеси.

23.05 Эълонлар. 23.10 — 23.15 Янгилликлар.

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 Кўрсатувлар анониси. 18.50 «Мультикарсель». 19.05 Эълонлар. 19.10 «Дидар». 19.40 Кечки сеанс. «Кинг-Конг». Бадий фильм. 21.10 «Аёл». 21.40 «Душанба». Публицистик кўрсатув. 21.50 «Авторейд». 22.00 «Спорт-тайм». 22.30 Эълонлар. 22.35 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал. 23.25 «Кимга қанақа?» 23.55 — 00.05 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 11

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.35 «Кўнгиракча». Тележурнал. 8.55 Биржа ва банк хабарлари. 9.15 «Морена Клара». Телесериал. 10.00 Янгилликлар. 10.05 «Аҳдлар изидан». Адабий кўрсатув. 10.35 Инглиз тили. 11.05 «Эртақлар яхшиликка етаклар». «Афанди ва бой». 11.40 Ўзбек куйларидан концерт. 12.10 «Табият шайдолари». 12.30 «Ота меҳрини кўрмаганлар». Бадий фильм. 14.00 — 14.05 Янгилликлар.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгилликлар. 18.10 Юнон-Рим кураши. Ўзбекистон чемпионати. 18.25 ЎзТВ хазинасидан. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Диёр». Тележурнал. 20.15 Оқшом артаклари. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Буюк келажак сари». 21.20 «Маънавият». «Оҳанглардан таралган меҳр». 21.40 «Альманах-ТВ». 22.10 Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотига номзодлар. Тоҳир Малик. «Сўнги ўқ». Кўп қисмли видеофильм. 2-қисм. 23.10 «Замон». 23.25 Эълонлар. 23.30 «Ах-

борот». 23.55 Тунги тароналар. 00.15 — 00.35 «Ватан тимсоллари».

18.00 Кундалик. 18.10 Эълонлар. 18.15 «Ерилош». Мультифильм. 18.35 ТВ плас... 18.40 «Киносайёра». 19.00 «Олтин кент». 19.15 «Сизнинг имконият». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар. Телесериал. 20.20 ТВ плас... 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Эълонлар. 21.00 Кундалик. 21.05 Оҳанглар ва Эълонлар. 21.20 «Кинонигоҳ». 22.50 «Акс». 23.10 «Авлодимиз». 23.25 «Ишбилармонлар ҳафтаси». 23.45 «Спорт қитъаси». 00.15 — 00.25 Кундалик.

17.55 Янгилликлар. 18.00 «Бўриқ учун уй». «Канот, оёқ ва думлар». Мультифильмлар. 18.15 Эълонлар.

7.30 — 9.00, 18.20 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.

21.40 Эълонлар. 21.45 «Калеба қизлари. Эмили». Телесериал. 12-серия. 22.30 «Мулоқот». Телевизион бадий фильм.

23.00 — 23.15 Россия давлат телевидениеси.

23.15 Эълонлар. 23.20 — 23.25 Янгилликлар.

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мультикарсель». 19.00 «Сен ҳақингда ва сен учун». Ахборот-дам олиш кўрсатуви. 19.15 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари. 19.45 Эълонлар. 19.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм. 20.40 «Янги иқтисод». 21.15 «Истеъдодлар ва муҳлислар». 21.45 «Очик дарс». 22.15 Эълонлар. 22.20 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал. 23.10 «Жиллет-спорт». 23.40 «Америкага бир назар». 00.10 — 00.20 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 12

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 «Маънавият». «Оҳанглардан таралган меҳр». 8.45 «Диёр». Тележурнал. 9.05 «Ўзбектеlevision» намоиш этади: «Соҳибқирон руҳини шод этиб». Премьера. 9.30 «Альманах-ТВ». 10.00 Янгилликлар. 10.05 «Инсон ва замин».

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Табиёт. 11.00 Янги алифбони ўрганиши. 11.30 Кимё.

12.00 Чанг тароналари. 12.30 «Юксак технология халқ манфаати йўлида». 13.00 ЎзТВ хазинасидан. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 14.00 — 14.05 Янгилликлар.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгилликлар. 18.10 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур...». 18.15 Юнон-Рим кураши. Ўзбекистон чемпионати. Финал. 18.40 «Морена Клара». Телесериал. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Диёнат». Хуқуқий-публицистик кўрсатув. 20.15 Оқшом артаклари. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Буюк келажак сари». 21.20 «Маънавият». Фольклор-этнографик ансамблларнинг «Зилот» телефестивали. 21.40 «Мавзу». 22.00 Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотига номзодлар. Тоҳир Малик. «Сўнги ўқ». Кўп қисмли видеофильм. 3-қисм. 23.00 «Автолам». 23.10 «15 дақиқа спорт ҳақида». 23.25 Эълонлар. 23.30 «Ахборот». 23.55 Тунги тароналар. 00.15 — 00.35 «Ватан тимсоллари».

18.00 Кундалик. 18.10 Эълонлар. 18.15 «Ерилош». Мультифильм. 18.35 «Спорт қитъаси». 18.45 «Дойче-Велле» тақдим этади... 19.05 «Зерикамай десангиз». 19.15 «Ором онлари». Концерт. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар. Телесериал. 20.20 «Спорт қитъаси». 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Кинонигоҳ». 22.30 «Хуқуқ ва мажбурият». 22.40 «Зерикамай десангиз». 22.50 Кундалик. 22.55 «Спорт қитъаси». 23.20 Оҳанглар ва Эълонлар. 23.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм. 00.20 — 00.30 Кундалик.

17.55 Янгилликлар. 18.00 «Заргар». Телефильм. 18.15 Эълонлар.

7.30 — 9.00, 18.20 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.

21.40 Эълонлар. 21.45 «Калеба қизлари. Эмили». Телесериал. 13-серия. 22.30 «Шоҳсула сари йўл».

22.55 — 23.10 Россия давлат телевидениеси.

23.10 Эълонлар. 23.15 — 23.20 Янгилликлар.

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мультикарсель». 19.00 «Саҳий хонадонда». 19.30 «Бу ажиб дунё». 19.50 «Ҳамдустлик». 20.20 «Шаҳрим — фаҳрим». 20.50 «Экстремал ўйинлар». 21.30 «Ташрифлар ва тақлифлар». 22.00 «Азизим». 22.30 Эълонлар. 22.35 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал. 23.25 «Нафосат гулшани». 23.55 Эълонлар. 24.00 — 00.10 «Хайрли тун!».

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ПАЙШАНБА, 13

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.35 «Кишлоқ стадионларида». 8.55 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». 9.15 «Морена Клара». Телесериал. 10.00 Янгилликлар. 10.05 «Компьютер сабоқлари». 10.30 «Нодирхазина»-Кинофотоархивдан кўрсатув. 11.00 Алифбо сабоқлари. 11.30 Пойтахт концерт залларида. 12.00 «Барқарор тараққийёт». 12.10 Тоғик ал-Ҳошим. «Ихор». Теленовелла. 12.50 «Мазрифат» видеоканал. 14.00 — 14.05 Янгилликлар.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгилликлар. 18.10 «2000 йилдан сўнг». Телесериал. 18.30 «Омонлик тилаймиз». 18.40 Дилназ садолар. 18.50 «Катта танаффус». 19.15 «Ақшодор луғати». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Юзма-юз». 20.15 Оқшом артаклари. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Инсон манфаатлари йили». 21.20 «Европага доғру солган юнанд». Ўзбекистон халқ артисти Муновоқ Йўлчиева. 21.50 «Шаҳар бедарвоза эмас...» 22.05 «Йиқилган». 22.25 Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотига номзодлар. Тоҳир Малик. «Сўнги ўқ». Кўп қисмли видеофильм. 4-қисм. 23.25 Эълонлар. 23.30 «Ахборот». 23.55 Тунги тароналар. 00.15 — 00.25 «Ватан тимсоллари».

9.00 «Ерилош». Мультифильм. 9.20 «Спорт қитъаси». 9.30 «Компьютер-Осиё». 9.40 «Услуб». 9.50 «Мак ва Матли». 10.10 «Бебаҳо лахзалар». 10.20 «Олтин кент». 10.35 «Акс». 10.55 «Авлодимиз». 11.10 «Ишбилармонлар ҳафтаси». 11.30 «Хуқуқ ва мажбурият». 11.40 «Зерикамай десангиз». 11.50 «Хусусийлаштириш: кадам-бакадам». 12.10 «Дунё бўйлаб». 13.00 — 14.30 «Кинонигоҳ».

18.00 Кундалик. 18.10 Бугун пайшанба дастурида. 18.15 Эълонлар. 18.20 «Ерилош». Мультифильм. 18.35 «Сув ости дунёси». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар. Телесериал. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Эълонлар. 21.00 Кундалик. 21.05 «Сенгар». Кўрсатув ва эълонлар. 21.20 «Кинонигоҳ». 22.50 «Хусусийлаштириш: кадам-бакадам». 23.10 «Янги кўн тур». Рустам Уразаев. 23.40 «Спорт қитъаси». 00.10 — 00.20 Кундалик.

17.55 Янгилликлар. 18.00 «Муми-Долга куз келганда». Мультифильм. 18.15 Эълонлар.

7.30 — 9.00, 18.20 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.

21.40 Эълонлар. 21.45 «Калеба қизлари. Эмили». Телесериал. 14-серия. 22.30 «Мусика ҳамма учун».

23.00 — 23.15 Россия давлат телевидениеси.

23.15 Эълонлар. 23.20 — 23.25 Янгилликлар.

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мультикарсель». 19.00 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари. 19.30 Эълонлар. 19.35 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм. 20.25 «Чироқ». 20.35 «02-тўлкинда». 20.50 «Инспектор Фрост». Телесериал. 21.40 Эълонлар. 21.45 «Компьютер-ревью». 22.00 «Рақур». 22.40 «Коктейль плас». 23.15 «Инсонлар эҳтиёжларига кўра». Телефильм (Япония). 23.50 — 24.00 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 14

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 «Юзма-юз». 8.45 Кекса санъаткорлар куйлайдилар. 9.05 «Ўзбектеlevision» намоиш этади: «Тошкент: кеча, бугун, эртага». Премьера. 9.35 «Умид учкунлари». Тележурнал. 10.00 Янгилликлар. 10.05 «Катта танаффус».

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Немис тили. 11.00 Тасвирий санъат.

11.30 Абду Жалил. «Бугун қалбим тўла нур». Адабий композиция. 11.40 «Уйғуқчилар, Сизлар учун». 12.10 «Ихор ва маҳорат». Анъанавий катта ашула ижроси бўйича республика беллашуви. 12.40 «Дўст». Бадий фильм. 14.00 — 14.05 Янгилликлар.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгилликлар. 18.10 «Митти юлдузлар». 18.30 Бизнес ҳафта якуни. 18.40 «Морена Клара». Телесериал. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Синдфод». 20.15 Оқшом артаклари. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ривонт». 21.10 «Репортаж». 21.30 Буюк келажак сари. «Иқтисод алифбоси». 22.00 «Маънавият». Фольклор-этнографик ансамблларнинг «Зилот» телефестивали. 22.20 «Эртага — шанба». 22.30 Телетомошабинларнинг талабларига биноан.

Ю. Розиков. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 15 ва 16-қисмлар. 23.25 Эълонлар. 23.30 «Ахборот». 23.55 «Хуш келибсиз». 00.05 Тунги тароналар. 00.20 — 00.35 «Ватан тимсоллари».

9.00 «Ерилош». Мультифильм. 9.15 «Бугуннинг боласи». 9.35 Оҳанглар. 9.45 «Шароф тоқи». Киноконцерт. 10.05 «Дубляж». 10.20 «Жозиба». 10.30 «Зиндаги ёқуд муқаббат». 10.55 Кинохазина. 11.10 Видео — «О». 12.50 — 13.20 «Спорт қитъаси».

18.00 Кундалик. 18.10 Эълонлар. 18.15 «Бор эканда, йўқ экан...» 18.35 «XX аср авлодлари». 18.50 Телевидение ва театр. 19.10 «Ором онлари». Концерт. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Музыкали гулдаста». 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Оҳанглар ва Эълонлар. 21.15 «Кинонигоҳ». 22.45 «Ковун тушиди». 23.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм. 23.55 — 00.05 Кундалик.

17.55 Янгилликлар. 18.00 «Амалий санъат ворислари». Телефильм. 18.15 Эълонлар.

7.30 — 9.00, 18.20 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.

21.40 Эълонлар. 21.45 «Калеба қизлари. Эмили». Телесериал. 15-серия. 22.30 «Баҳор байрами». Телефильм.

22.50 — 23.10 Россия давлат телевидениеси.

23.10 Эълонлар. 23.15 — 23.20 Янгилликлар.

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мультикарсель». 19.00 «Умид чечаклари». 19.25 «Рангинкамон». 19.50 «Бу бўстон аро». 20.15 «Монитор-Осиё». 20.35 Эълонлар. 20.45 «Инспектор Фрост». Телесериал. 21.30 «Уй остонадан бошланади». 21.55 «Нафосат ва мангулик ҳақида». 22.15 «Алло, мен сизни эшитаман...» 22.55 Эълонлар. 23.00 «Нобб асарларни олаб». Телесериал. 24.00 Араб эстрадаси. 00.20 — 00.30 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 15

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.35 «Тараннум». Мусикий дастур. 9.05 «Ўзбектеlevision» намоиш этади: «Афсонавий шаҳарда». Премьера. 9.15 «Морена Клара». Телесериал. 10.00 Шоҳрух клуби. «Ёшлиқ студияси намоиш этади: 10.30 «Ҳамроҳ». 10.50 «Бахс». 11.15 «Қизиқиш». 11.30 Ю. Розиков. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 15-16-қисмлар. 12.25 «Кичкинтой» устахонаси. 12.50 «Иқодий сарқисоб». Ўзбекистон халқ артистирай Хайрулла Лутфуллаев ва Талъат Сайфутдинов. 13.35 «Муъжизалар оламида». 13.55 Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотига номзодлар. Рассом Ортикали Қозоқов. 14.15 — 15.20 «Ганг дарёсининг қизи». Бадий фильм.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Совға». 18.20 «Олам». 18.35 Оқшом Ҳошим. «Муқаббатни кўзлардан изланг». 18.45 «Бир қўшқ туғатунча». 19.05 «Хайрат». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Оқшом артаклари. 20.05 «Ўзбекистон янгилликлари» (инглиз тилида). 20.15 «Рақслар гулдастаси». 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Бизнес-академия». 21.20 «Дилназ садолар». 21.30 Буюк келажак сари. «Ўзбекистоннинг янги тарихи». 22.00 Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотига номзодлар. «Сўнги ўқ» видеофильми ҳақида. 22.20 «Азиз сиймолар». Ўзбекистон халқ артисти, кинорежиссёр Йўлдош Азамов. 22.40 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. Ю. Розиков. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 17 ва 18-қисмлар.

«Тунги ёғду». Дам олиш дастури: 23.35 «Куй ва тасвир». 23.50 «Тубаник». Бадий фильм.

9.00 «Бор эканда, йўқ экан...» 9.20 «XX аср авлодлари». 9.35 Телевидение ва театр. 9.55 «Ором онлари». Концерт. 10.10 Мусикали гулдаста. 10.40 «Ковун тушиди». 11.00 «Кинонигоҳ». 12.40 — 13.10 «Спорт қитъаси».

18.00 «Ерилош». Мультифильм. 18.20 «Кўнунчоқ». 18.40 Эълонлар. 18.45 «Кулги даргалари». Чарли Чаплин. 19.05 «Жозиба». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Олтин кент». 20.10 «Жозиба». 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Эълонлар.

«Шанба оқшоми». Дам олиш дастури. 21.00 «Зиндаги ёқуд муқаббат». 21.25 «Спорт қитъаси». 21.50 Оҳанглар ва Эълонлар. 22.10 — 23.50 Видео — «О».

17.45 Дастурнинг очилиши. Эълонлар. 17.50 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.

18.20 — 22.50 Россия жамоат телевидениеси.

22.50 Эълонлар. 22.55 «Вазият комеди». Бадий фильм. 1-серия (Италия). 23.40 — 23.55



«Семург — бахт қуши». Телефильм.

9.00 «Азробика». 9.20 «Спектаклдан сўнг». 9.45 Эълонлар. 9.50 «Комедиантлар». 10.10 Кинонинг олтин асри. «Янги амазонкалар». Бадий фильм. 11.50 «Эсдалик учун дастхат». 12.20 «Шанба эртаги». 13.20 «Болалар дейишди...» 13.25 «Учучи шифокорлар». Телесериал. 14.15 — 14.35 Корейс тилини ўрганиши.

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мультикарсель». 19.00 «Шанба оқшомида». 19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм. 20.00 «Олам ва одам». 20.25 «5 дақиқа ўзинг учун». 20.30 «Болалар дейишди...» 20.35 Эълонлар. 20.40 Кинонинг олтин асри. «Колкрон». Бадий фильм (Руминия). 22.10 «Рақслар қанотида». 22.40 «Жиллет-спорт». 23.10 «Хит-коллекция». 23.30 Эълонлар. 23.35 «Бу ажиб дунё». 23.55 — 00.05 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 16

УМР БЎЙИ КУЛГИ ТАШИБ ЎТДИ

«Халқимизда ҳикматнамо бир гап бор: эл-юртни деб биров гул келтирар, биров бир боғ пиёз. Бағдод туманидаги Қўштеғирмон қишлоғининг собиқ, лекин ҳамisha барҳаёт фуқароси Тешавой ака Комилов эса юрт дастурхонига умр бўйи кулги ташиди. У самимий ва ўйноқи туйғу, ширин табассум, нордон қаҳқаҳа ва бошқа тўйимли маънавий «озуқа»лар, ўткир «дори-дармон»лар билан чаш қилишга, кишиларни шу неъматлардан баҳраманд этишга интилади.

Унинг ҳазил-мутойибага бой «саҳна»лари ҳамда роллари ниҳоятда содда ва доимо тайёр бўларди. Бир қарасангиз, у шаллақи қайнона ролида, ҳали -- танбал ўғил, ҳали -- лақма чол, ҳали -- гўл кампир, ҳали -- бюрократ раҳбар, ҳали -- пиянис-та...»

Бу сўзлар раҳматлик отам Анвар Муқимовнинг хотиралари. У киши Теша Қизиқни яқиндан билгани учун ҳам қаттиқ ҳурмат қилади. Қуйида эса Қизиқнинг гаройиб хангомаларини кулгисеварларга илдиним.



ТЕША ҚИЗИҚ БИР КУНИ...

бўлади! Галамислар халойиқ орасида йўқ бўлиб кетибди. Одамлар эса гап нимадалигини англашиб, шўх қийқириқ, «Яша! Бопладинг! Қандингни ур!» хитоблари билан қизиқни олқишлашибди.

Қизиқ улфатлари билан

РАССОМ ХАНДАСИ



А. ОРИПОВ чизган сурат.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

Айтишларича, икки оғайни омон-хандон замонларгача «кечаси сен, кундузи мен соқов», деб юришган экан.

Қизиқ қўшнисининг деворига ойначани қўйволиб соқол олаётса, гумбурлаб милтиқ отилибди. Устара роса рўпарасига келган эканми, кулоқдан андак узиб олибди. Қизиқ бир қўлида устара, иккинчисида кулоқ, қўшнисига бақирибди:

-- Мамажон, нима қиляпсан?!
-- Ўғилчамиз Назарқулга ялақ отиб беряпман.
-- Тушдими ялақ?
-- Тушди.
-- Бўлмаса, ялақни Назарга, мана бунисини эса энасига бер!
-- деб кулоқни қўшнисиникига отибди.

Устози Асқар қассоб ўлим тўшагида ётган экан. Теша қизиқ кўргани борибди.

-- Теша, одам бўлмайман шекилли? -- дебди уста ҳамдардлик кутиб.

-- Шу пайтгача одамидингизки, энди одам бўлгани! -- қизиқ кулибди.

-- Кулма, рост, ўламан, -- уста яна юпатувчи сўзга интиқ бўлиб сўрабди.

-- Улманг, уста, ўлманг!
-- Нега энди, Тешавой?

-- Бу дунёга келиб мени расво қилдингиз, у дунёниям расво қилмай туринг!

Теша қизиқ ўртада, даврани жа обориб, обкелаётган экан. Қизиқни кўролмайдиган иккитаси бақириб қолибди:

-- Мохов бўлсин! Мохов бўлсин!

Оломон ҳам қизиқнинг шунақа номдаги хангомаси бўлса керак, деб уларга қўшилибди:

-- «Мохов бўлсин!» Теша қизиқ, «Мохов бўлсин!» Қизиқ қараса бўлмайди. Шартта таваккал қилибди.

-- Хўп, хўп, «Мохов» бўлади. Фақат анови икки пес ўртага чиқиб ёнимда турса кейин

ошхўрлик қиларди-ю, лекин уз улушини ҳалоллаб текинга туширарди. Бунин билган улфатлари Рожибой ҳофиз, Қувват қори, Абдулазиз полвон, Ўззам полвонлар ундан яшириқча ош қилишади. Дарагини эшитган

Теша қизиқ улфатларини ош дамланган пайтда таппа босади.

-- Ие-ие, Теша ака, келинг! Сизни излаб тополмагандик, яхши келиб қолдингиз, -- деб Рожибой ҳофиз ўзини оқлаган бўлади.

Қозон бошидаги икки полвон Қизиқни кўриб, маъноли кўз уриштиришибди. «Маъноли» қилиб ош ҳам сузилади.

Теша қизиқ қараса ҳамманинг олдидаан гўшт чиқаяпти, унинг олдида кўринмайди. Индамасдан ошни еяверибди. Охири Абдулазиз полвон чидолмай луқма ташлабди.

-- Теша ака, олдингиздан гўшт чиқаяптими?

-- Гўшт чиқаяпти-ю, -- Қизиқ бамайлихотир жавоб қилибди, -- Қувват акамнинг олдида суриб қўяяпман.

-- Нега?
-- Қўшним Олимбойнинг қўйи ҳаром ўлиб қолган экан. Баччагар кечаси билан терисидан ажратиб, Собир қассобга олиб чиқиб берибди. Сизлар гўштни Собир қассобдан олмагансизлару, барибир томоғимдан гўшт ўтмаяпти.

Улфатлар чайналишдан тўхташиб, оғизларини очганча қотиб қолибди. Гўштни айнан Собир қассобдан олишган экан.

-- Ҳов, олинглар, нега тўхтаб қолдиларинг, олинглар!
-- деб Теша Қизиқ ошни ураверибди.

Улфатлари Қизиқнинг лоппа-лоппа ош олишига қараб олишига қараб утиришиб, бирдан қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборишибди.

-- Оббо, Теша ака-ей, бугунам ошингиз ҳалол бўлди, -- деб Абдулазиз полвон унинг олдида гўшларни суриб қўйибди.

Қизиқ улфатлари билан шаҳарга тушибди. Ресторанда роса улфатчилик қилиб чиқишса, қоронғи тушиб қолган экан.

-- Қишлоққа қандай кетамиз?
-- сўрабди биринчи улфати.
-- Чўнтагимизда сариқ чақа

8 МАРТ

СЕН БАРИБИР МУҚАДДАССАН, МУҚАДДАС АЁЛ...

Кулоққа хуш ёқар, дилбар, ифроклардан товуш қилсан.

Келиб келки бу хушфатга мени бир поё қовуш қилсан.

ГУЛМАТ.

ҳам қолмабди, -- дебди иккинчиси.

-- Тақси топинглар, -- дебди Қизиқ. -- Фақат ҳайдовчиси ўрис бўлсин.

Айтганини бажаришибди. Йўл-йўлакай икки улфатни уйига ташлаб, тақси Қизиқнинг эшиги олдида тўхтабди.

Қизиқ машинадан тушиб, қўлини кўксига қўйиб тураверибди. Тақсичи ҳайрон бўлиб, аввал яхшиликча, кейин эса дўқ-пўписа билан ўрисчалаб йўлқирани сўрабди. Қизиқ ҳолатини бузмабди. Шовқинни эшитиб ичкаридан хотини юғуриб чиқибди. Ҳайдовчи унга юзланиб, бақириб-чақириб тушунтира кетибди. Шубҳасиз, хотини ҳеч балони тушунмай елка қисибди. Ҳайдовчи пулдан умидини узиб, машинасини зарда билан ҳайдаб жўнаб қолибди.

-- Вой, отаси, бу ўрис нима деди? -- сўрабди хотини. -- Бир сизга имлайди, бир машинага...

-- «Эринг топилмас одам, ҳамisha машинада юриши керак. Шаҳардан олиб келиб қўйдим, мана», дебди.

-- Ҳа, менга нима деди? -- хотини яна саволга тутибди. -- Дам уйга имлайди, дам кўчага...

-- «Эртагаям шаҳарга бораверсин, уйда қамалиб утиравермай, ўзим олиб келиб ташлайман», деди.

Содда кампир ишониб: -- Қаранг, қандай ажайиб ўртоқларингиз бор-а, -- деса, Қизиқ:

-- Ресторанда пул тамом бўлгандан кейин ўрисчаниям тамом қилгандим-да, хотин! -- дермиш.

Теша қизиқ велосипедини қўйиб бозорга кириб-чиқса, велосипед йўқ эмиш. Сўраб-суриштирибди, мелисага беш-олти кун қатнабди, натижа бўлмабди.

Бир кун одамлар кетишса, Теша қизиқ йўл бўйидаги Оқ мазорда ўтирганмиш.

-- Ҳа, Тешавой, нима қилиб ўтирибсиз? -- деб сўрашибди.

-- Ўғрини ушлашларини кўрмоқчиман, -- жавоб қилибди Қизиқ.

-- Ие! -- ўткинчилар ҳайрон бўлишибди. -- Ўғрини мазорда ушлашадими?

-- Э, ўғри ўлиб шу ерга келганда ушлашмаса, бу мелисаларинг бошқа пайтда ушлашмайди! -- дермиш қизиқчи.

Саид АНВАР тўлаган.



ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
А. УСМОНОВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Мерос ва қадриятлар 36-29-89;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодиёт 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Тули муҳаррират 33-10-28;
Эълонлар 36-09-25, Вактёр-33-10-60

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 19-уй.
Назбегим муҳаррирлар
И. Ўтбосаров, Н. Тониев.
Компьютерда саҳифаланиш
Рустам АЗИМОВ.